

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АБДУРАҲМОНОВА СИТОРА ИБРАГИМОВНА

**РЕПРОДУКТИВ ЁШДАГИ АЁЛЛАРДА БИРГАЛИКДА КЕЛГАН
БАЧАДОН МИОМАСИ ВА АДЕНОМИОЗНИ ТАШХИСЛАШ ВА
ДАВОЛАШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Абдурахмонова Ситора Ибрагимовна Репродуктив ёшдаги аёлларда биргаликда келган бачадон миомаси ва аденомиозни ташхислаш ва даволашда замонавий ёндашувлар.....	3
Абдурахмонова Ситора Ибрагимовна Современные подходы к диагностике и лечению сочетанных форм миомы матки и аденомиоза у женщин репродуктивного возраста.....	21
Abdurakhmanova Sitora Ibragimovna Modern approaches to diagnostics and treatment of combined forms of uterine fibrous and adenomiosis in women of reproductive age.....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	43

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АБДУРАҲМОНОВА СИТОРА ИБРАГИМОВНА

**РЕПРОДУКТИВ ЁШДАГИ АЁЛЛАРДА БИРГАЛИКДА КЕЛГАН
БАЧАДОН МИОМАСИ ВА АДЕНОМИОЗНИ ТАШХИСЛАШ ВА
ДАВОЛАШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Tib538 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасига www.tsd1.uz ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталига (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Бабалджанова Гулжаҳон Саггаровна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оponentлар:	Леваков Сергей Александрович тиббиёт фанлари доктори, профессор Муминова Нигора Хайретдиновна тиббиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	«Семей» тиббиёт университети Қозғоғистон Республикаси

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти, ҳузурдаги PhD 04/3.05.2020. Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил «12» *сентябр* куни соат *12:00* даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий-Шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация билан Бухоро Давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин *OB*-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий-Шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (+99865) 223-00-50

Диссертация автореферати 2020 йил «*15*» *сентябр* да тарқатилди.
(2020 йил «*15*» *сентябр* даги рақамли реестр баенномаси)



[Signature]
Д.Т.Ходжизева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

[Signature]
С.С.Пўлатов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари номзоди

[Signature]
Г.А.Ихтиярова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертацияси аннотация)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сўнги йилларда репродуктив ёшдаги аёллар орасида бачадон миомаси ва аденомиознинг биргаликда учраш даражаси ошиши кузатилаётганда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...бачадон миомаси билан 25 ёшдан катта аёлларнинг 30% идан ортиғи азиат чекмоқда, сўнги йилларда касаллик ёшариб бормоқда ва замонавий гинекологиянинг долзарб муаммоларидандир...»¹. Ҳозиргача бачадон миомаси ва аденомиознинг кўшма шакллари ривожланишининг сабаблари тўғрисида олимлар орасида аниқ келишувлар мавжуд эмас. Қатор муаллифларнинг илмий тадқиқотларига кўра «...миоматоз тугунларининг ўсиши гормонал ўзгаришлар, иммунологик ҳимоянинг бузилиши, периферик гемодинамика, сув-туз алмашинуви бузилиши, айниқса аденомиоз ривожланиши учун маълум аҳамиятга эгадир. Иккала касалликнинг, яъни миома ва аденомиознинг ривожланишида генетик мойилликлар борлиги ҳам аниқланган...»². Аденомиоз касаллиги, турли хил тадқиқотларга кўра, репродуктив ёшдаги аёллар орасида 12 дан 40% гача учрайди.³ Бачадон миомаси гинекологик касалликлар таркибида жинсий аъзоларнинг яллиғланиш касалликларидан кейин иккинчи ўринда туради. АҚШда гинекологик жарроҳлик амалиётларининг 1/3 қисми, Россия мамлакатида эса 50-70%и бачадон миомаси ва аденомиоз, ҳамда уларнинг биргаликда келиши ва асоратлари туфайли пайдо бўлади.

Жаҳонда репродуктив ёшдаги аёлларда биргаликда келган бачадон миомаси ва аденомиозни ташхислаш ва даволашда замонавий ёндашувларни такомиллаштириш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада репродуктив ёшдаги аёлларда миома ва аденомиознинг бирлашган шакллари учраш даражасини асослашдан иборат. Аёлларда миома ва аденомиознинг энг муҳим хавф омилларини аёлнинг ёшига боғлиқлигини исботлашдан иборат. Касалликнинг бирлашган шакллари патогенезида иммунитет тизимининг бузилиши, касалликнинг ривожланишидаги хусусиятлари исботланган. Касалликнинг бирлашган шакллари бўлган беморларни ташхислаш ҳамда миома ва аденомиознинг биргаликда келган шаклларида патогенетик асосланган даволаш тактикасини ишлаб чиқишалоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, репродуктив ёшдаги аёллар саломатлик ҳолатини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар орасида хавфли ўсма касалликларини камайтириш «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини

¹Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти website, 2018., <http://www.who.inthealthinfostatistics>

²Давыдов А.И., 2019, Koninckx P.R., 2019

³Marki G., 2017

шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»⁴ каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар репродуктив ёшдаги аёлларда биргаликда келган бачадон миомаси ва аденомиозни самарали ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайитириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ–4513-сон «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъриёв-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фанвтехнологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фанвтехнологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳонда аденомиоз ва бачадон миомасига бағишланган кўплаб тадқиқотларга қарамай, ҳанузгача кўпгина саволлар очиқлигича қолмоқда. Сўнгги йилларда иммунитет тизимининг эндометриоз патогенезидаги ўрни тўғрисида илмий тадқиқотлар сони кўпаймоқда. Иммунокомпетент ҳужайралар, асосан антивириал, ҳужайра иммунитетини учун жавоб берадиган ҳужайралар, эндометрийнинг жойлашиши ва ўсишига ёрдам берадиган омилларнинг алоҳида ўрин тутиши кўрсатилди. Цитокинлар эндометриоид тўқималарининг имплантацияси, кўпайиши ва омон қолиши каби вазифаларни бажаради. Касалликнинг клиник аломатларини ривожланишига уларнинг жавобгарлиги қатор муаллифларнинг ишларида ўз аксини топган (Жамалутдинова К.М. 2018; Zhihong N., et al., 2016). Беморлар орасида даволашнинг энг кенг тарқалган сабаби бу мазкур патологик ҳолатлар натижасида репродуктив функциянинг бузилиши бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда бачадон миомаси ва аденомиозни даволашнинг асосий усуллари радикал жарроҳлик, минимал инвазив жарроҳлик, консерватив даво, яъни, органларни сақлаб қолиш ёки жарроҳлик амалиётига тайёргарлик

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

кўриш учун имкон берадиган дори воситаларидан фойдаланишдан иборат (Нажмутдинова Д.К. ва х., 2019). Бачадон миомаси ва эндометриозни консерватив даволашда олиб борилган кўплаб тадқиқотлар ва муайян муваффақиятларга қарамай, уларни даволашнинг асосий усули ҳозирги кунда жарроҳликдир, бу эса аёл рухий ҳолатининг шикастланиши билан тавсифланади, гомеостаз бузилишини кучайтиради, репродуктив функция бузилиши ва репродуктив органнинг йўқолишига олиб келади. Консерватив гормонал давонинг самарасизлиги, гормонал терапия қўллашга қарши кўрсатмалар мавжудлиги натижасида жарроҳлик амалиётининг кўпайишига сабаб бўлмоқда (Арутюнян А.Ф. и соавт., 2015; Soeda S. et al, 2018). Кўпинча, гормон терапиясидан сўнг, айниқса, репродуктив ёшдаги аёлларда ҳам миома, ҳам эндометриознинг қайталаниши кузатилади. Комбинацияланган патология ушбу касалликларнинг айрим ривожланиш механизмларининг умумийлиги билан боғлиқ, чунки уларнинг барчаси гормонларга боғлиқ жараён бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда бачадон миомаси ва аденомиознинг алоҳида келган шакллари, ҳамда ушбу касалликларни ташхислаш ва даволашга боғлиқ муаммолар бир қатор тадқиқотларда ўрганилган бўлиб (Муратова Н.Д., 2016), аммо биргаликда келган бачадон миомаси ва аденомиозни ташхислаш ва даволаш борасида илмий изланишлар олиб борилмаган.

Юқорида келтирилган сабабларни ҳисобга олган ҳолда, муаммо ҳозирги кунда долзарб ҳисобланиб, фертил ёшдаги аёлларда бачадон миомаси ва аденомиознинг биргаликда келган шаклларида репродуктив органларни сақлаб қолиш ва аёлларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш учун янги замонавий диагностика ва даволаш усулларида фойдаланган ҳолда бир қатор тадқиқотлар ўтказиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ №01.1800231 «Она, ҳомила, янги туғилган ва ёш болалар касалликларини ташхислаш ва даволашда инновацион ёндашувлар» мавзуси доирасида бажарилган (2019-2021) бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: миома ва аденомиознинг бирлашган шакллари ривожланишининг патогенетик жиҳатдан ташхислаш ва даволаш тактикасини танлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

репродуктив ёшдаги аёлларда миома ва аденомиознинг бирлашган шакллари учраш даражасини баҳолаш;

энг муҳим хавф омилларини ва уларни аёлнинг ёшига боғлиқлигини баҳолаш;

касалликнинг бирлашган шаклларида патоморфологик ҳолат хусусиятларини ўрганиш;

касалликнинг бирлашган шакллари патогенезида иммунитет тизимининг ўрнини баҳолаш;

касалликнинг бирлашган шакллари бўлган беморларни ташхислаш ва текшириш алгоритмини ишлаб чиқиш;

миома ва аденомиознинг биргаликда келган шаклларида патогенетик асосланган даволаш тактикасини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг объектисифатида 2013-2017 йиллар давомида Тошкент шаҳридаги ТТА 3-клиникасининг гинекология бўлимидабачадон миомаси билан жарроҳлик даволаш учун қабул қилинган аёлларнинг 511 та касаллик тарихи ретроспектив тартибда, проспектив равишда эса ТТАнинг 9- акушерлик мажмуаси гинекология бўлимига мурожаат қилган бачадон миомаси ёки аденомиоз билан хасталанган 165 нафар беморва 21 нафар соғлом аёллар 2018-2020 йиллар давомида назорат остига олинган.

Тадқиқотнинг предметисифатида беморларнинг қон зардоби, бачадон миомаси ва аденомиоз сабабли олиб ташланган бачадоннинг макропрепаратлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотдаклиник, инструментал, иммунологик, морфологик ва статистик усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагидан иборат:

бачадон миомаси ва аденомиози бор репродуктив ёшдаги аёлларда бепуштликнинг ривожланишининг хавф омиллари, касалликнинг олдини олиш, ташхислаш ва репродуктив органларни сақлаб қолиш бўйича замонавий самарали усуллар ишлаб чиқилган;

миоматоз тугунлар ва аденомиознинг биргаликда келган турини аниқлаш, даволаш самарадорлигини кузатиш ва баҳолаш учун доплер ультратовуш усулидан фойдаланиш натижасида касаллик асоратларини олдини олиш тизими ишлаб чиқилган;

иммунитет тизимидаги цитокинлар кўрсаткичларининг хусусиятлари, уларнинг бачадон миомаси ва аденомиознинг биргаликда келган шакллари ва бепуштлик ривожланишидаги роли ўрганилган;

миоматоз тугунлар ва аденомиознинг биргаликда келган шаклларида қондаги томир эндотелиал ўсиш фактори (VEGF) миқдорининг даволашгача ва даволашдан кейинги даврдаги ўзгариши асосида касалликнинг хавф омиллари исботланган;

миома ва бачадон аденомиозининг комбинацияланган шакли бўлган беморларни даволашда дифференциал ёндашув ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти қуйидагилардан иборат:

иммунитет тизимининг параметрларининг хусусиятлари, уларнинг бачадон миомаси ва аденомиозининг бирлашган шаклларини ривожланишидаги ўрни ва айрим ҳолларда репродуктив ёшдаги аёлларда бепуштлик ривожланиш омилларига таъсири баҳоланган;

қон томир эндотелиал ўсиш омили (VEGF) ва бошқа пролифератив кўрсаткичлар асосидарепродуктив прогноз баҳоланган;

диеногест ва улипристал ацетат препаратлари билан беморларни комплекс даволаш, миома ва аденомиознинг комбинацияси турини ҳисобга

олган ҳолда, даволаниш муддатини, дори воситаларининг нархини пасайтириш, даволаш самарадорлигини ошириш ва аёлларнинг репродуктив функциясининг тикланиши исботланган;

касалликни ўз вақтида аниқлаш ва самарали даволаш, репродуктив органларнинг йўқолиш ҳолатларини камайтириш ва консерватив, яъни репродуктив органни сақлаб қолишга қаратилган даволаш тадбирлари самарадорлигини оширишига ёрдам берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, беморлар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, биокимёвий, лаборатор, инструментал, морфологик ва статистик усуллар асосидан репродуктив ёшдаги аёлларда биргаликда келган бачадон миомаси ва аденомиозни ташхислаш ва даволашда замонавий ёндашувлар халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий қиймати репродуктив ёшдаги аёлларда бачадон миомаси ва аденомиознинг бирлашган шакли ташхисоти ва даволаш соҳасидаги назарий билимлар даражасининг кенгайиши, касалликларнинг комбинациясининг ривожланиш хавф омилларига касалланиш индексининг кўпайиши, жинсий аъзоларнинг яллиғланиш касалликлари, анамнезидаги репродуктив йукотишлар, бачадон миомаси ва аденомиознинг биргаликда келган шакллариининг клиник кўриниши кўпинча бепуштлик билан мураккаблашиши, яллиғланиш ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг номуносивблиги, даволанишдан сўнг яллиғланиш цитокинлар даражасининг сезиларли даражада пасайиши миома ва аденомиоз ривожланишида яллиғланиш жараёни ва иммунитетнинг ўрни мавжудлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти гинекология учун миома ва аденомиознинг биргаликда келган шакллари бўлган аёлларни текшириш алгоритмини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш, миоматоз жараённинг фаоллиги ва аденомиоз даражасига қараб дифференциал комплекс даволаш алгоритмини ишлаб чиқиш, вақтида ташхис қўйиш ва комплекс даволаш бепуштлик билан мурожаат қилган беморларнинг учдан бирида органларни сақловчи даволаш чораларини ошириш ва туғишни тиклаш, радикал операциялар сонини камайтириш ҳамда репродуктив ёшдаги аёлларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Репродуктив ёшдаги аёлларда биргаликда келган бачадон миомаси ва аденомиозни ташхислаш ва даволашда замонавий ёндашувларни оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Бачадон миомаси ва аденомиознинг биргаликда келган шакллариини ташхислаш ва даволаш» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш

вазирлиги 2020 йил 02октябрдаги 8н-р/308-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома бачадон миомаси ва аденомиознинг бирлашган шаклини эрта ташхислаш, касалликнинг башорати ва замонавий органларни сақловчи даволаш усулларида фойдаланиш имконини берган;

репродуктив ёшдаги аёлларда биргаликда келган бачадон миомаси ва аденомиозни ташхислаш ва даволашда замонавий ёндашувларни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент тиббиёт академиясининг3-клиникаси гинекологиябўлими, Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази, ҳамда Хоразм перинатал маркази гинекология бўлими амалий фаолиятида жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 24ноябрдаги 8н-д/192-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилинишибачадон миомаси ва аденомиознинг бирлашган шаклини эрта ташхислаш, касалликнибашоратлаш ва органларни сақловчи замонавий даволаш усулларида фойдаланиш, беморларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, ташхислаш ва даволашнинг янги усулларида фойдаланиш репродуктив ёшдаги аёллар орасида радикал операциялар сонининг камайиши ҳамда аёлларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш натижасида 9 млн 425минг сўмни тежаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси «scopus» илмий журналлар базасига кирувчи хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Репродуктив ёшдаги аёлларда биргаликда келган бачадон миомаси ва аденомиозни ташхислаш ва даволашда замонавий

ёндашувлар» деб номланган биринчи бобида репродуктив ёшдаги аёлларда бачадон миомаси ва аденомиозни эрта ташхислаш ва даволашга бағишланган хорижий ва маҳаллий адабиёт манбалари илмий шарҳи таҳлил қилинган. Диссертант томонидан репродуктив ёшдаги аёлларда бачадон миомаси ва аденомиозни этиологияси, патогенези ва самарали ташхислаш ва дифференциал даволаш бўйича маълумотлар келтирилган. Диссертант мавзунини ёритиш ва асослашда касалликни хирургик даволашнинг замонавий усуллари тавсия этган, шунингдек, мазкур муаммонинг илмий жиҳатдан ҳал этилишининг муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг **«Репродуктив ёшдаги аёлларда биргаликда келган бачадон миомаси ва аденомиозни замонавий ташхислаш ва даволашнинг материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида илмийишда қўлланиладиган материаллар ва тадқиқот усуллари баён этилган. Тадқиқот ретроспектив ва проспектив текширув натижалари даниборат. 2013-2017-йилларда миома ташхиси билан жаррохлик амалиётига олинган 511 та аёлларнинг касаллик тарихи ретроспектив ўрганилди. 2018-2020 йиллар давомида Тошкент шаҳар 9-сон акушерлик мажмуасининг гинекология бўлимига бачадон миомаси ва ёки аденомиоз ташхиси билан муружаат қилган 165 та репродуктив ёшдаги аёллар кузатувга олинди. Барча текширилган аёллар 3 гуруҳга бўлинди: 1-гуруҳда бачадон миомаси ва аденомиознинг биргаликда келган шакли бўлган 75 (40,3%) беморлар, 2-гуруҳда - 47 (25,3%) аденомиозли беморлар, 3-гуруҳда - 43 (23,1%) бачадон миомаси бўлган беморлар киритилди, ташхис ультратовуш текширувида тасдиқланди. Назорат гуруҳига 21 нафар (11,3%) соғлом аёллар киритилган. Текширувдан ўтган аёлларнинг ёши 20 ёшдан 45 ёшгача бўлган. Гуруҳларда ўртача ёш $36,5 \pm 0,9$ ни ташкил этди. Тугун ичи ва унинг атрофидаги томирларнинг ультратовуш текшируви ва доплерометрияси, шунингдек, бачадон томирлари юқори частотали (5 МГц) датчик билан ишлайдиган Mindray, SonoAce R7, Esaote Milabe 7 каби эксперт гуруҳидаги ультратовуш аппаратлари (Хорев, Никомед ва Элексир) билан жиҳозланган клиникаларда ўтказилди.

2018–2019 йиллар давомида 60 нафар беморда назорат гуруҳидаги 15 нафар соғлома ёлдаммунологик текшириш ўтказилди. Цитокинларнинг текширишда «ВекторБест» тест тўплами (Санкт-Петербург, РФ), ҳамда VEGF контцентрациясини «R&D Systems» тўпламлари (АҚШ), иммунофермент анализи ELISA усули ёрдамида текширилди. Қонда цитокинлар ва VEGF миқдори пг/мл билан ифодаланган.

Олиб ташланган бачадоннинг морфологик текшируви умумий методика бўйича ўтказилди. Препаратни гистологик ўрганиш натижасида миома ва аденомиозда турли хил морфологик ўзгаришлараниқланди.

Тадқиқот давомида олинган маълумотлар стандарт Microsoft Office Excel-2016 дастур тўплами ёрдамида статистик ишлов берилди.

Диссертациянинг **«Аденомиоз ва бачадон миомасининг клиник кўриниши, замонавий ташхислаш усуллари, консерватив ва жаррохлик**

даволаш турларининг натижалари» деб номланган учинчи бобида репродуктив ёшдаги аёлларда бачадон миомаси ва аденомиознинг биргаликда келган шаклининг ривожланиш хавф омилларини аниқлаш масалалари муҳокама қилинган.

Текширувга олинган аёллар анамнезидаўтказган гинекологик ва соматик касалликларгаоид маълумотлар таҳлил қилинган. Ретроспектив тадқиқотда операция қилинган аёллар ёш гуруҳларига бўлинган. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, кўпинча бачадон миомаси билан жарроҳлик амалиётига олинганлар 40 ёшдан ошган (71,8%) аёлларда бўлган. Ушбу беморларда операция учун кўрсатма асосан бачадоннинг симптомли миомаси ташхиси бўлиб, касалликнинг асосий симптоми қон кетиш бўлган - 89% (455) да, бачадон миомаси туфайли қўшни органларнинг сиқилиши вадисфункцияси - 2% (10) да, гигант миома - 5% (26), миоманингтез ўсиш синдроми - 4% (20) беморда аниқланган. Бу касалликнинг узоқ давом этганлиги ва беморларнинг шифокорга кеч мурожаат этганлигидан далолат беради.

Репродуктив ёшдаги ёш аёлларда операцияга асосий кўрсатма бепуштлиқ бўлиб - 16,9% да аниқланди, уларнинг барчасида орган сақлаб қолувчи миотомектомия жарроҳлик амалиёти амалга оширилган. Беморларнинг анамнезини ўрганиш шуни кўрсатдики, уларнинг учдан бир қисми илгари миомага қарши консерватив даво-чоралариолган, аммо олинган даво-чоралари самарасиз бўлган.

Шунингдек, беморларда амалга оширилган жарроҳлик даволаш амалиёти миқдори ўрганиб чиқилди. Шундай қилиб, бачадоннинг суправагинал ампутацияси (БСА) кўпинча амалга оширилган - бу 57,9% (296), сўнгра 24,7% (126) да бачадон экстирпацияси операцияси бўлиб, ушбу операцияларнинг кўпчилиги тухумдонлар олиб ташланиши билан бирга кечган. Олиб ташланган органларнинг гистологик текширувининг 32% ҳолларида миома ва аденомиознинг биргаликда келган шакллари микроскопик топилма сифатида аниқлади. Бу шуни кўрсатадики, радикал операция учун кўрсатма кўпинча консерватив даволашнинг самарасизлигидир, чунки биргаликда келган бачадон миомаси ва аденомиоз ташхиси ўрнига фақат миома ташхиси қўйилиб, фақатгина бачадон миомасига қаршидаво чоралари ўтказилган.

Проспектив текширувда бачадоннинг гиперпластик жараёнлари - миома ва аденомиознинг алоҳида ва комбинацияланган шакллари бўлган 165 аёллар текширувга олинди, фақат 1-гуруҳда (миома ва аденомиоз) соматик касалланиш ва гинекологик яллиғланишнинг кўрсаткичиюқорилиги, репродуктив тизимнинг бузилиши ва репродуктив йуқотишлар бошқа гуруҳларга нисбатан юқорилиги аниқланди. Беморларда илгари турли хил (А, Б ёки С) гепатитларнинг частотаси юқорилиги қизиқиш уйғотади.

Гепатит барча учта гуруҳдаги беморларда назорат гуруҳига нисбатан (4,8%)6, 3,5 ва 8 марта (мос равишда) кўпроқ кузатилган ($p < 0,001$). Аммо гепатит билан касалланишнинг юқори даражаси 3-гуруҳ миомаси бўлган беморларда кузатилган ($39,9 \pm 7,5\%$), аденомиоз билан касалланган 2-

гурухдаги беморларга караганда 2,3 баравар кўп ($17,0 \pm 5,5\%$, $p < 0,05$). Бу миома ривожланиши жигар ва ўт пуфаги патологияси ўртасидаги боғлиқликдан далолат беради. 1-гурухда ўтказилган касалликлар индекси 4 марта, 2-гурухда 3,3 марта ва 3-гурухда назорат гуруҳидаги ушбу кўрсаткичдан 2,6 марта кўп эди. Юқори касалланиш индекси ва оғир анамнез иммунитетнинг бузилишига олиб келадиган хавф омиллари бўлиб, бачадондаги гиперпластик жараёнларни ривожлантириш учун шароит яратади.

Касалликнинг клиник кўринишини ва қабул қилинган беморларнинг шикоятларини ўрганиш шуни кўрсатдики, миома ва аденомиознинг комбинацияланган шакли клиникаси фақат симптоматик миома ёки аденомиознинг намоён бўлишидан алоҳида ажралиб туради. Беморларни текшириш пайтида касалликнинг давомийлиги 1 йилдан 10 йилгачабўлган.

Миомаси бор аёлларнинг 23 нафари ($53,5 \pm 7,6\%$, $p < 0,001$) кўп ва узок муддатли ҳайз кўриши - гиперполименорея, ҳайз циклининг бузилишларидан, пастки қорин оғриғи ва бепуштликдан шикоят қилдилар. Оғриқ белгилари – аденомиозли (иккинчи гуруҳда) аёлларда (31 та $-65,9 \pm 6,9\%$, $p < 0,001$) кўпроқ устун келди. 1-гуруҳ (миома ва аденомиознинг комбинацияси) беморларда эса гиперполименорея ва оғриқ аломати деярли бир хил частотада учради.

Репродуктив ёшдаги аёлларнинг асосий шикоятларидан бири бепуштликдир. Бепуштлик фақат 40 ($24,2\%$) аёлларда аниқланди. Бепуштликнинг давомийлиги 1,5 йилдан 17 йилгачабўлган. Бепуштликни ўрганишда аденомиози бор (2-гуруҳ) аёлларда иккиламчи бепуштлик бирламчи бепуштликканисбатан 2 баравар кўп (мосравишда $66,7$ ва $33,3\%$) аниқланди. 3-гуруҳда иккиламчи бепуштлик бирламчи бепуштликканисбатан 1,3 баробар кўпроқ (мосравишда $57,1$ ва $42,9\%$). Аксинча бачадон миомаси ва аденомиоз биргаликда келган 1-гуруҳда, кўпроқ билламчи бепуштлик (мосравишда $66,7$ ва $33,3\%$) аниқланди. Репродуктив анамнез таҳлил қилинганда, кўшма патологияли 1-гуруҳда ($34 - 45,3\%$) ва аденомиоз билан 2-гуруҳда ($22 - 46,8\%$), ҳомиладорлик даражаси миомаси бор ва назорат гуруҳидаги аёлларга караганда 1,4 марта ортиқ деб кўрсатди. Туғилиш частотаси ҳам 2-гуруҳда устун келди - 21% (3-гуруҳга нисбатан 1,8 марта юқори ва 1-гуруҳга нисбатан 1,3 марта юқори). Ҳомиладорликнинг ўз-ўзидан тушиш частотаси аденомиозли гуруҳда юқори бўлиб, $8,3\%$ ни, ва 1-гуруҳда (бирлашган патологияда) - $7,9\%$ ташкил этди, бу кўрсаткичлар назорат гуруҳига нисбатан деярли 5 марта ортиқ. Бачадон миомаси бўлган беморларнинг $5,1\%$ да анамнезида ҳомиладорликнинг ўз-ўзидан тушиб кетиши кузатилган ва бу назорат гуруҳидан уч баробар кўп бўлган.

Анамнезида ўтказган гинекологик касалликларнинг частотаси ва турларини ўрганиш шуни кўрсатдики, бачадон миомаси ва аденомиозни биргаликда келишида ($69,3 \pm 5,3\%$), шунингдек аденомиоз ($68,1 \pm 6,1\%$) бўлган

беморларда тос аъзоларининг яллиғланиш касалликлари назорат гуруҳига қараганда ($p < 0,001$) ва миомали 3-гуруҳдаги ($p < 0,001$) беморларга қараганда анча юқорилиги кузатилди. 1-гуруҳда ва 2-гуруҳда анамнезида ҳар тўртинчи беморда тухумдон кистлари мавжуд бўлган. Бачадон миомаси бор 3-гуруҳда эса тухумдон кисталари 2,5 марта камроқ қайд этилган. Оғир соматик анамнез, болалар юқумли касалликларининг юқори кўрсаткичи, ҳайз даврининг бузилиши, бачадоннинг яллиғланиш касалликлари ва абортларнинг юқори даражаси аденомиоз ва бачадон миомаси каби касалликларнинг ривожланиш хавф омиллари эканлигини кўрсатади.

Диссертациянинг «**Миома ва аденомиознинг биргаликда келган шаклининг эхографик ва иммунологик хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи бобида тадқиқот таҳлили берилган. Иммунологик тадқиқотлар ва даволанишдан олдин ва кейин текшириляётган беморларда ультратовушли доплер тадқиқотлари натижалари кўрсатилган. Белгиланган вазифаларга мувофиқ, биз текширувдан ўтган беморларнинг даволанишидан олдин ва кейин яллиғланиш ва яллиғланишга қарши цитокинлар даражасини ва қондаги эндотелиал ўсиш омилни аниқладик. Даволашдан олдин беморларда яллиғланиш цитокинлари даражасини аниқлаш қуйидаги натижаларни кўрсатди: учта гуруҳда ИЛ-1 даражаси деярли тенг эди (1-жадвал). 1- ва 3-гуруҳларда ИЛ-1 даражаси 3,4 марта, 2-гуруҳда ИЛ-1 назоратгуруҳиганисбатан 3,0 баравар юқори ($p < 0,001$).

1-жадвал

Даволашдан олдин ва кейин текширилган беморларнинг яллиғланиш ва яллиғланишга қарши цитокинлар даражаси ($M \pm m$)

Гуруҳлар		Назорат гуруҳи n = 15	1-гуруҳмиома ва аденомиознинг комбинацияси билан n = 15	2-гуруҳ аденомиоз билан, n = 15	3-гуруҳ бачадон миомаси билан, n = 15
ИЛ-1	Олдин	2,2±0,15	7,5±0,39***	6,7±0,38***	7,4±0,68***
	Кейин		3,5±0,12^^	3,2±0,22***^^	3,4±0,25***^^
ИЛ-6	Олдин	2,5±0,21	8,2±0,45***	6,0±0,79***	5,1±0,24
	Кейин		4,6±0,24^^	4,3±0,26^	3,6±0,19***^^
TNF- α	Олдин	1,5±0,07	8,7±0,93***	12,7±1,12***	11,3±1,91***
	Кейин		10,3±1,02***	14,6±0,95***	12,6±1,21***

Эслатма: * - назорат гуруҳига нисбатан ишончли (**- $p < 0,01$; * * * - $p < 0,001$); ^ - даволашдан олдин маълумотлар билан солиштирганда ишончли (^- $p < 0,01$; ^^ ^ - $p < 0,001$)

ИЛ-6 нинг юқори даражаси 1-гуруҳдаги беморларда тез-тез кузатилган ва назорат гуруҳига қараганда 3,3 баравар юқори бўлган ($p < 0,001$).

Бундан ташқари, 2 ва 3-гуруҳлари билан таққослаганда, ИЛ-6 1,5 марта ортиқ деб топилди. 2-гуруҳда бу кўрсаткич назорат гуруҳидан 2,4 марта ($p < 0,01$) ва 3-гуруҳда 2 марта ($p < 0,01$) ортиқ бўлган.

TNF- α 1-гуруҳ бирлашган патологияли беморларда 5.8 марта, иккинчи-гуруҳ аденомиозли аёлларда 8.5 марта, 3-гуруҳ миомали аёлларда эса 7.5 марта назорат гуруҳига нисбатан ортик бўлган ($p < 0,001$).

Терапиядан сўнг барча уч гуруҳда ИЛ-1 ва ИЛ-6 даражаларида пасайиш кузатилди. ИЛ-1 нинг камайиши барча гуруҳларда ўртача 2 баробар кузатилди ва ўртача кўрсаткичлар назорат қийматиغا яқинлашди. Бундан ташқари, 1 гуруҳдаги ИЛ-6 цитокинининг пасайиши 1.8 марта, 2 ва 3-гуруҳларида эса 1.4 марта кузатилган. Барча гуруҳларда даволанишдан сўнг, TNF- α нинг ўртача қиймати 1,2 марта ошиб, яллиғланишга цитокини бўлиб, апоптоз ва даволаш самарадорлигини, $p < 0,001$ нинг ошганлигини кўрсатади. Яллиғланишга қарши цитокинлар даражасини аниқлаш, бирлашган патологияга эга беморларда ИЛ-10 даражасини назорат қилиш билан солиштирганда 3,2 марта юқори эканлигини кўрсатди (жадвал. 2). Алохида аденомиози ва миомаси бор беморларда, букўрсаткич назорат гуруҳига нисбатан 1,9 марта юқори эди. Даволанишдан сўнг, 1 гуруҳида ИЛ-10 даражаси 2 марта камайди. Иккинчи гуруҳда 1,6 марта ва учинчи гуруҳда 1,4 марта камайди. Қон томир эндотелиал ўсиш омили (VEGF) кўрсаткичларини, энг юқори кўрсаткичлар 1 ва 2-гуруҳларида бўлган ва деярли 4 марта назорат гуруҳи ($p < 0,001$) дан юқори бўлган. 3-гуруҳида ҳам бу кўрсаткич юқори бўлганлигига қарамай, 1 ва 2-гуруҳларидан пастроқ ва назорат гуруҳига нисбатан 2,2 марта юқори бўлган ($p < 0,001$).

2-жавдал

Даволашдан олдин ва кейин беморларнинг яллиғланишга қарши цитокин даражаси

Гуруҳлар	IL-10		VEGF	
	Олдин	Кейин	олдин	Кейин
Назорат гуруҳи	3,3 \pm 0,14		325,0 \pm 22,0	
Миомава аденомиознинг комбинацияси билан	10,6 \pm 0,67***	5,0 \pm 0,3** *^^^	1282,6 \pm 119,8***	628,7 \pm 27,4***^^^
Аденомиоз билан	6,2 \pm 0,24***	3,8 \pm 0,21* ^^^	1243,5 \pm 127,4***	653,2 \pm 30,36***^^^
Бачадон миомаси билан	6,3 \pm 0,74***	4,4 \pm 0,37* ^	725,4 \pm 35,2***	410,2 \pm 20,2***^^^

Эслатма: * - назорат гуруҳига нисбатан ишончли (* - $p < 0,05$; * * - $p < 0,01$; * * * - $p < 0,001$); ^ - даволаш олдинги маълумотлар билан солиштирганда ишончли (^ - $p < 0,05$; ^^ ^ - $p < 0,001$)

Даволаш кейинги ва даволашдан олдинги кўрсаткичлар бир-бири билан солиштирганда, VEGF ишончли даражада пасайиши қайд этилди. 1-гуруҳда VEGF даражаси 2 марта, 2-гуруҳда 1,9 марта ва 3-гуруҳда 1,8 марта камайди.

Шундай қилиб, беморларнинг миома, аденомиоз ёки уларнинг бирлашган шакллари каби касалликларнинг мавжудлиги, яллиғланиш ва яллиғланишга қарши цитокинлар мувозанатининг бузилишига олиб келади. Қонда миома ва аденомиознинг бирлашган шаклларида ушбу цитокинлар даражаси миома ва аденомиознинг алохидакелган шакллариغا нисбатан ошиши аниқланади. Бу миома ва аденомиоз каби бачадоннинг гиперпластик жараёнларини ривожланишида иммун тизимининг иштирокини кўрсатади.

Ташхисни аниқлаш учун барча беморлар сонографик текширувдан ўтказилдилар ва беморларнинг 1/3 қисмида миоматоз тугунлар томирлари ва аденомиоз ўчоқлари қон оқимини доплер текшируви ўтказилди. Допплер текшируви миоматоз ва аденомиотик тугунлар атрофида ва ичкарида, шунингдек диффуз аденомиозда бачадон артерияларида, қон оқимининг тезлиги ва қаршилиқ индексини (ИР) таъминловчи томир мавжудлигини аниқлади. Бу бачадон миомасини аденомиоздан фарқлаш, тугун турини (оддий ёки кўпайиб борувчи) аниқлашга имкон берди. Рангли доплер сканерлашда бачадон артериясида юқори қон томир қаршилиги аниқланди. Айниқса, 2 ва 3-даражадаги аденомиозда бачадон артерияларда 0,85 дан 0,93 гача бўлган қон оқимининг қаршилиги ортди. Радиал артерияларда ИР 0,67-0,78 эди (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал

Бачадон миоматоз тугунларида ёки аденомиозда қон оқимининг сифати


1-гурух (бирлашган патология)	ИР кўрсаткичлари	
	ИР тугун атрофида	ИР тугун ичида
Оддий миома	0,83±0,04	0,79±0,06
Миоманинг пролифератив тури	0,53±0,03	0,49±0,02
Билан бирга:		
Диффуз аденомиоз	Ўнг БА	Чап БА
ИР	0,77±0,02	0,75±0,02
СДО	4,14	3,28
2-гурух		
Диффуз аденомиоз	Ўнг БА	Чап БА
1- даражаси	0,74±0,01	0,71±0,003
2- ва 3-даражаси	0,89±0,02	0,86±0,01
3-гурух		
	ИР тугун атрофида	ИР тугун ичида
Оддий миома	0,76±0,02	0,65±0,03
Миома пролиферативе тури	0,54±0,01	0,49±0,02

1-гурухдаги беморларнинг 64% да пролифератив турдаги бачадон миомасини аденомиознинг турли шакллари билан бирикмаси аниқланди, шундан диффуз аденомиоз билан бирикма - 48%, ўчоқли аденомиоз билан -

4%, тугунли аденомиоз билан - 4%, шунингдек, беморларнинг 8 фоизида 1-гуруҳ пролифератив тугунли миоманинг диффуз-тугунли аденомиоз шакли билан бирикмаси аниқлади. 1-гуруҳдаги беморларнинг 36 фоизида оддий турдаги миоматоз тугунларининг турли хил аденомиоз шакллари билан бирикмаси аниқланди, улардан диффуз аденомиоз билан - 28%, ўчоқли шакл билан - 4%, аденомиознинг диффуз-тугунли шакли билан - беморлар 4%.

Проллифератив турдаги миомада тугун ичи томирлари ва тугун атрофидаги кўплаб кичик томирлар аниқланди, бундай томирларда аниқланган қаршилик кўрсаткичи (ИР) 0,40 дан 0,53 гача эди. Диаметри 2 см гача бўлган оддий миома билан тугун ичида қон оқими аниқланмаган ва тугунни озиклантирувчи йирик томирлар аниқланмаган. Бундай тугунларда ИРкурсааткичи юқори (0,60 дан 0,82 гача) эди, бу унинг қон билан таъминланишининг пастлигини кўрсатди. Кўпинча аваскуляр тугунлар аниқланган.

2-гуруҳда аденомиозли беморларда диффуз аденомиоз 26 - 55,3%, ўчоқли аденомиоз 14 - 29,8%, тугунли аденомиознинг 5 - 10,6% ва диффуз - тугунли аденомиозда 2 - 4,3% бўлганлиги аниқланди. Бундай ҳолда, ўчоқларнинг диаметри 2 дан 7,2 мм гача. Диффуз аденомиозда бачадон артерияларидаги қон оқими ўчоқли аденомиозга нисбатан кам эди (ИР 0.78-0.86).




1 ва 2-расмлар. Допплер ультратовуш текшируви. Бачадон миомаси, аденомиознинг диффуз-тугунли шакли билан бирга учраши.


3-гуруҳда миома билан оғриган беморларнинг 67,4% ида тугунларнинг пролифератив тури, 32,6% да оддий тури аниқланди. Проллифератив тугунлар учун ИР 0,40 дан 0,51 гача, оддий тугунлар учун ИР эса 0,56-0,70 гача бўлган. Ультратовуш текширувлари клиник симптоматологияга (альгодисменорея, бепуштлиқ) эга бўлган аденомиоз ва миомаларнинг бирлашган шакли бўлган 1-гуруҳдаги беморларда битта (30 ҳолат) ёки бир нечта (4-5 та ва кўпроқ тугунларга - 45 ҳолат) миома тугунлари борлиги аниқлади.

Тугунларнинг қон оқимини доплер ёрдамида таҳлил қилиш оддий ёки кўпайиб боровчи миоматоз тугунни унинг қон таъминоти сифати билан аниқлашга имкон берди. Шундай қилиб, бирлашган шаклга эга бўлган 1-гуруҳдаги беморларнинг тахминан ярми (46,7%) диффуз аденомиоз билан биргаликда бир нечта миоматоз тугунларга эга эди. Битта миоматоз тугун (25,3%) аденомиознинг диффуз шакли билан, баъзи ҳолларда (14,7%) аденомиознинг диффуз ўчоқли шакли билан бирга учраши кузатилди. Кўп тугунли пролифератив миоманинг аденомиознинг диффуз-ўчоқли шакли билан бирга келиши 13,3% ни ташкил этди.

Диссертациянинг «**Миома ва аденомиоз комбинацияси билан бўлган бачадон патоморфологик тадқиқотлар натижалари**» деб номланган бешинчи бобида аксарият ҳолларда аденомиоз (эндомиоз) ва миома (60% ҳолларда) комбинацияси мавжуд эди. Шу билан бирга қуйидаги патологиялар ҳам аниқланди: тухумдон кисталари (50%), эндомиал гиперплазия (63,3%), бачадон бўйни, найлар ва тухумдонларнинг яллиғланиш жараёнлари (26,6%). 5 та (16,7%) ҳолатларда бачадон бўйни безларининг кисталари аниқланган. Эндомиал гиперплазия ва аденомиознинг комбинацияси бачадон саратони ривожланишида юқори хавф омил ҳисобланади. Асосан патологик жараёнлар 40 ёшдан 45 ёшгача (53,3%) кузатилган.



3-расм. Бемор Г. 43 ёш, № 1623. Эндомиоз майдони. Эндомиалнинг миометрий соҳасига «ўсиб» криши мавжудлиги. Эндомиалнинг стромал ва glandular тузилмалари мавжудлиги. Гематоксилин ва эозин билан бўйаш. 10x10 ўлчамда катталаштирилган.



4-расм. Бемор М., 44 ёш. № 970 Эндомиалнинг чуқур жойлашган glandular тузилмалари миометрий стромасида, ўсимта тугунлари орасида жойлашган. Гематоксилин ва эозин билан бўйаш. 10x10 ўлчамда катталаштирилган.

Биз бачадон миомаси ва аденомиоз бирлашган шакли билан беморларни текшириш ва даволаш учун алгоритм ишлаб чиқдик.



ХУЛОСАЛАР

«Репродуктив ёшдаги аёлларда биргаликда келган бачадон миомаси ва аденомиозни ташхислаш ва даволашда замонавий ёндошувлар» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ретроспектив тадқиқотлар шуни кўрсатдики, миома ва аденомиознинг комбинацияланган шакллари кўпинча радикал жарроҳлик учун кўрсатма ҳисобланади; олиб ташланган бачадонни патоморфологик текшируви пайтида касалликларнинг комбинациясининг мавжудлиги 32 фоизда аниқланди, бу эса ташхис сифатини ошириш зарурлигини кўрсатади.

2. Ушбу касалликларнинг комбинациясини ривожланишининг хавфли омиллари - бу касалланиш кўрсаткичининг ошиши, жинсий аъзоларнинг яллиғланиш касалликлари, ХОЦ касалликлари ва анамнезидаги репродуктив йуқотишлар частотаси куплигидир. Бачадон миомаси ва аденомиознинг биргаликда келган шакллари клиник кўриниши кўпинча бепуштлик билан асоратланади.

3. Репродуктив ёшдаги аёлларда миома ва аденомиознинг комбинацияланган шакллари яллиғланишга ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг янада номутоносиблиги билан тавсифланади. Даволанишдан сўнг, яллиғланиш цитокинлар даражасининг сезиларли даражада пасайиши қайд этилади, бу миома ва аденомиоз ривожланишида яллиғланиш ва иммунитетнинг ўрни ахамияти борлигини тасдиқлайди.

4. Патоморфологик тадқиқотлар бачадоннинг биргаликда келган шаклларида ультратовуш ташхисини тасдиқлайди. Бунда миоманинг пролифератив тури кўп ҳолларда аденомиознинг диффуз тури билан ва кам ҳолларда ўчоқли тури билан бирга келади, оддий миома эса аденомиознинг ўчоқли ва тугунли тури билан бирга келади.

5. Миома ва / ёки аденомиоз билан касалланган беморларни текшириш алгоритмида эксперт-класс турдаги ультратовуш-доплер текшируви воситаларида миома ва аденомиознинг биргаликда келган шакллари ўз вақтида аниқлашга ват угри ташхис куйишга имкон беради.

6. Консерватив даволаш усулини қўллаш ва унинг кетма-кетлиги қайси касаллик фаоллигига қараб танланади. Аденомиознинг пролифератив миома тугунлари билан бирга келишида, биринчи навбатда улипристал ацетат дори воситасидан, кейин диеногестдан фойдаланиш зарур. Аксинча, аденомиозни оддий миоматоз тугунлар билан бирга келган ҳолатида эса, аввал диеногест, кейин эса улипристал ацетат дори воситаси тавсия этилади.

7. Ўтказилган тадқиқотлар миома ва аденомиознинг биргаликда келган шакллари табақалаштирилган комплекс даволашни амалга оширишга имкон берди, уларнинг самарадорлиги туфайли касалликнинг клиник йуналишини яхшилаш, радикал операцияларнинг частотасини 11% га камайтириш ва даволанишнинг биринчи йилида 32,1% ҳолларда туғилишни тиклашга эришилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 ПРИ БУХАРСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

АБДУРАХМАНОВА СИТОРА ИБРАГИМОВНА

**СОВРЕМЕННЫЕ ПОДХОДЫ К ДИАГНОСТИКЕ И ЛЕЧЕНИЮ
СОЧЕТАННЫХ ФОРМ МИОМЫ МАТКИ И АДЕНОМИОЗА У
ЖЕНЩИН РЕПРОДУКТИВНОГО ВОЗРАСТА**

14.00.01 – Акушерство и гинекология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

БУХАРА – 2020

Тема докторской диссертации (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.1.PhD/Tib538

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета www.tashpmi.uz и на Информационно-образовательном портале «Ziyouet» по адресу (www.ziyouet.uz)

Научный руководитель: **Бабаджанова Гулжахон Саттаровна**
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Леваков Сергей Александрович**
доктор медицинских наук, профессор
Муминова Нигора Хайретдиновна
доктор медицинских наук, доцент

Ведущая организация: Медицинский Университет «Семей»
Республика Казахстан

Защита диссертации состоится «14» сентября 2020 г. в 12⁰⁰ часов на заседании Научного Совета PhD 04/13.05.2020 Tib 93.02 при Бухарском государственном медицинском институте (Адрес: 200118, г.Бухара, улица Навоий-Шох, дом 1. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за № 018). Адрес: 200118, г.Бухара, улица Навоий-Шох, дом 1. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Автореферат диссертации разослан «15» сентября 2020 года.
(Реестр протокола рассылки № ___ от «15» сентября 2020 года).



Д.Т.Ходжиева
Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней, д.м.н.
доцент

С.С.Пулатов
Учёный секретарь Научного совета по
присуждению учёных степеней, к.м.н.

Г.А.Ихтиярова
Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению учёных
степеней, д.м.н, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире последнее десятилетие характеризуется сочетанием миомы матки с внутренним эндометриозом (аденомиозом), особенно у женщин фертильного возраста. До настоящего времени нет единого мнения о причинах развития сочетанных форм миомы матки и аденомиоза. Многие исследователи отдают приоритет гормональным нарушениям и гормонозависимости роста узлов миомы. Определенное значение имеют нарушения иммунологической защиты, особенно при аденомиозе, также периферической гемодинамики и водно-солевого обмена. Последнее время обнаружена генетическая предрасположенность к возникновению, как миомы, так и аденомиоза (Давыдов А.И., 2019, Koninckx P.R., 2019)¹.

Во всем мире эндометриоз является одной из актуальных проблем гинекологии, частота которого варьирует от 7 до 50%. Эндометриоз – доброкачественное разрастание эндометриоидной ткани, за пределами слизистой оболочки матки, характеризующееся рецидивирующим течением. Аденомиоз, т.е. поражение матки эндометриозом, являющейся более распространенной формой эндометриоза, считается одной из главных проблем современной гинекологии. Частота аденомиоза, по данным разных исследований, варьирует от 12 до 40% у женщин репродуктивного возраста (Marki G., 2017)². Миома матки занимает второе место в гинекологии после воспалительных заболеваний гениталий. Около 80% показаний к радикальным хирургическим гинекологическим вмешательствам появляются вследствие наличия сочетания миомы матки и аденомиоза и их осложнений (Manta L., 2016). По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ) «...миомой матки страдают 25–30% женщин старше 35 лет, а в последние годы заболевание все чаще обнаруживается в более молодом возрасте и является актуальной проблемой современной гинекологии...»³. В США 1/3 часть причин гистерэктомии является миома матки, также в России причиной 50-70% операций заканчивающиеся потерей репродуктивного органа является миома и аденомиоз, или их сочетания.

В нашей стране для развития медицинской сферы, адаптации медицинской системы по мировым стандартам, снижения и профилактики заболеваний миомы матки и аденомиоза у женщин в репродуктивном возрасте определены задачи «...повышение эффективности, качества и доступности медицинской помощи населению, а также внедрение высокотехнологичных методов диагностики и лечения, создание системы, пропаганды здорового образа жизни и профилактики заболеваний за счет создания эффективных моделей патронажа...»⁴. Данные задачи способствуют

¹Давыдов А.И., 2019, Koninckx P.R., 2019

²Marki G., 2017

³Всемирная организация здравоохранения website, 2018., <http://www.who.inthehealthinfostatistics>

⁴Указ Президента Республики Узбекистан №УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года

сократить частоту возникновения инвалидности и показателей смертности вследствие осложнений факторов риска развития заболевания за счет совершенствования использования современных технологий при разработке профилактических мер по снижению соматических заболеваний среди населения.

